

ТАЛАБАЛАРГА АРАБ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ДИАКРИТИК БЕЛГИЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Раҳимжонов Дурбек Обиджонович,

тарих фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Исломшунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиш ICESCO кафедраси доценти

Араб тилини талаб даражасида билиш исломшунослик фанларини ўрганувчилар учун муҳим омил ҳисобланади. Чунки исломшуносликка оид атамаларнинг асосий қисми араб тилида эканлиги кўпчилика сир эмас. Зеро, ислом динининг асосий манбалари – Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар, ақоид, фикҳ ва тасаввуф илмларига оид кўпчилик атамалар ҳам шу тилда шаклланган. Ушбу атамаларни бошқа тилларга таржима қилишда ҳам бир қисм истилоҳларнинг эквиваленти ишлатилса-да, аммо термин сифатида асосий тушунчаларнинг араб тилидаги шакли сақланиб қолган.

Мазкур араб тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзларни ўз тилимизда тўғри ифодалаб бериш масаласи бугунги кунда мутахассислар олдига муҳим вазифаларни қўяди. Бугунги кунда аجدодларимиздан сақланиб келган бой илмий-маънавий меросимизни ватандошларимизга, хусусан ёш авлодга етказиб бериш йўлида давлатимиз миқёсида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ишларни амалга оширишда, манбашуносликка оид илмий тадқиқотларда, манбалар таржималарини нашр қилишда айрим хатолик, ноаниқлик ва ҳар хиллик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида араб тилидаги сўзларни ўзбек тилида берилишига оид аниқ қоидаларга амал қилиш талаб этилади.

Бир тилдаги истилоҳ, яъни терминларни бошқа тилдаги алифбода

ифодалашда транскрипция ва транслитерация қоидаларини тўғри қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, араб тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзларни ифодалашнинг ўзига хос қонун ва қоидалари бор. Бунинг учун транскрипция ва транслитерация тушунчаларига аниқлик киритиб ўтиш лозим бўлади.

Транскрипция (лот. *transcriptio* – кўчириб ёзиш) – ёзувнинг нутқ товушлари талаффузини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган сунъий (шартли) тури; нутқ бўлаклари (товуш, бўғин, сўз)нинг товуший сифатларини ёзувда аниқ акс эттириш усули. Транскрипция, энг аввало, 2 га бўлинади: **илмий транскрипция** ва **амалий транскрипция**.

I. Илмий транскрипция ўз хусусиятига кўра, **фонетик** ва **фонематик транскрипция**ларга бўлинади¹⁴⁰.

1) Фонетик транскрипция оғзаки нутқ (талаффуз)ни барча хусусиятлари билан ёзувда аниқ акс эттиришни кўзда тутди ва хорижий тиллар (мас., инглиз, араб тиллари) луғатларида, тил дарсликлари ва нотиқлик қўлланмаларида, жонли тилни ёзиб олишда (диалектологик ёзувлар, фонетика дарсликлари ва б.) қўлланади. Фонетик транскрипциянинг асосий принципи шундаки, талаффуз этилган ҳар бир товуш ёзувда алоҳида қайд этилиши керак. Фонетик транскрипция амалдаги бирор алифбо асосида, унга нутқ аъзоларидаги айрим артикуляцияларни акс эттирувчи ост-уст белгилари ёки ихтиёрий ўйлаб топилган белгилар тизимини қўшиш билан яратилади. Масалан, ўзбек шеваларини ўрганиш мақсадидаги диалектологик ёзувларда амалдаги алифбода бўлмаган э о э (тил олди а), ў, ь (и нинг вариантлари), о, о' (ў нинг вариантлари) ва бошқа белги (ҳарф)ларнинг қўлланиши.

Универсал транскрипция сифатида Халқаро фонетик уюшма – IPA (International Phonetic Association) томонидан 1886 йилда лотин графикаси

¹⁴⁰ Мирзаев И. Транскрипция // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/transkriptsiya-uz/>. Мурожаат санаси: 17.02.2024.

асосида яратилган ва доимо такомиллаштириб бориладиган халқаро фонетик алифбо қўлланади.

2) Фонематик транскрипция ҳар бир сўзни фонема таркибига кўра акс эттиради, бунда кучсиз позицияларда пайдо бўладиган вариантлар акс эттирилмайди. Ушбу транскрипциянинг принципига кўра, ҳар бир фонема, позициясидан қатъи назар, доимо айна бир белги билан акс эттирилади. Фонематик транскрипцияда фонетик транскрипцияга қараганда камроқ белги ишлатилади, чунки фонемалар миқдори доимо вариантлар миқдоридан кам бўлади.

II. Амалий транскрипция муайян миллий алифбо воситалари орқали бошқа тиллардаги атоқли отлар, терминлар, махсус номлар ва шу каби таржима қилинмайдиган сўзларни акс эттиради ва шу йўл билан уларни қабул қилувчи тилнинг босма матнларига киритади. Амалий транскрипция қабул қилувчи тил алифбосидаги белгилар чегарасидан чиқмайди, лекин белгиларнинг айрим ғайриодатий қўлланишларига йўл қўяди. Амалий бирликнинг талаффузини имкон қадар аниқ сақлаб қолишдир. Шу билан бирга, амалий транскрипция сўзнинг морфем тузилишини, унинг график хусусиятлари ва бошқаларни сақлаб қолиши ҳамда муайян сўзнинг осон ўзлашишини таъминлаши керак¹⁴¹.

Транслитерация (*транс.* ва лот. *литтера* – ҳарф) – бир график тизим (алифбо) асосида ёзилган матнлар ёки алоҳида сўзларни бошқа бир график тизим (алифбо) воситалари билан ҳарфма-ҳарф акс эттириш. Транскрипциядан фарқли равишда, транслитерация муайян тилнинг график тизимига асосланиб иш кўради. Бирор бир алифбога асосланар экан, транслитерация ҳарфларни шартли қўллашга, қўшимча ҳамда диакритик белгилар киритишга йўл қўяди. Транслитерация дастлаб XIX асрда Пруссия илмий кутубхоналаридаги лотин, кирилл, араб, ҳинд ва б. ёзувли тилларда ёзилган асарларни ягона каталогга киритиш эҳтиёжидан келиб чиққан.

¹⁴¹ Мирзаев И. Транскрипция // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/transkriptsiya-uz/>. Мурожаат санаси: 17.02.2024.

Ушбу кутубхоналар учун тузилган йўриқномалар XX асрда лотинча бўлмаган ёзув тизимларини лотинчага ўгириш андозасининг асоси бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда транслитерацияга оид тавсиялар Халқаро стандартлар ташкилоти – ISO (International Standard Organisation) томонидан ишлаб чиқилади. Транслитерация ўзининг универсаллиги туфайли кўп томонлама халқаро муносабатларда амалий масалаларни ҳал қилишнинг ягона стандарти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Транслитерацияни амалий транскрипциядан фарқлаш керак. Транслитерация халқаро бўлиши мумкин ва бўлиши керак, чунки у бирор бир миллий алифбога асосланмайди, амалий транскрипция эса бирор бир белгили алифбога, унинг ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тегшли имлода қабул қилинган ўқиш қоидаларига таянади. Транслитерация қадимий кўлёзма ёдгорликлар, жаҳон халқлари тарихи, тили ва адабиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга¹⁴².

Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлардаги транслитерацияга “шамсий” ва “қамарий” ҳарфларни ажратмай ёзишни мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда “ан-Насафий” ўрнига “ал-Насафий” ёзилиши, яъни араб тилида қандай ёзилса шундайлигича ўзбек тилида ифодалаш айнан таранскрипция қоидасини ўзида акс эттиради.

Хорижий тилшуносликка оид тадқиқотларда “транскреация” (*креатив – ижодий* маъносида) истилоҳини ҳам қўллайдилар. Бунда таржима жараёнида чет тилларидаги сўзларни ўзлаштиришда “ижодий ёндашув” кўзда тутилади. Бу ҳолда таржимоннинг ижодий эркинлигини таъминлаш кўзда тутилади¹⁴³. Ўзбек тилида чет тилларидан олинган сўзлар қаторида араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар ҳам талайгина. Бу сўзларни ўзбек тилидаги истеъмолида муайян қоидаларга амал қилинади. Масалан, араб алифбосида ўзбек алифбосида йўқ бўлган ҳарфлар бор.

¹⁴² Transliteratsiya // <https://qomus.info/oz/encyclopedia/t/transliteratsiya/>. Мурожаат санаси: 17.02.2024.

¹⁴³ What is the Difference Between Transcreation and Transliteration? // <https://traduality.com/what-is-the-difference-between-transcreation-and-transliteration/>. Мурожаат санаси: 01.03. 2024.

Араб тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзларни амалий транскрипция йўли билан ифодалашда қандай йўл тутиш лозимлигини аниқ билиш учун “Ўзбек тилининг имло луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” каби нашрларга муурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда араб тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзларда “х” ва “ҳ” орасини ажрата олмаслик камчилиги учраб туради. Шунини билиш керакки, араб алифбосидаги “خ” ҳарфи ўзбек тилида “х” билан, “ح ва ه” ҳарфлари “ҳ” билан ёзилиши қабул қилинган. Шу нуқтаи назардан араб тилини яхши билган мутахассис ўзбек тилидаги “х” ва “ҳ” ҳарфларининг ишлатилишида хатога йўл қўймайди.

Ўзбек тилидаги “х” ҳарфи асосан шарқ (араб, форс) тилларидан олинган сўзлар учун қўлланилиб, ғарб тилларидан ўзлаштирилган сўзлар учун одатда “х” ҳарфи ишлатилади. Бунинг сабабларидан бири ўзбек тилига ғарб тилларидан кирган сўзлар асосан рус тили орқали қабул қилинган бўлиб, рус алифбосида эса фақат битта “х” ҳарфи бор. Уш масаларга оид ўзбек тилидаги илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилмоқда¹⁴⁴.

Ушбу фикр-мулоҳазалар араб тилидаги истилоҳ, атама, сўз ва жумлаларни ўзбек тили ёзувида ўзбек ўқувчиси тушунадиган, аниқ ва асл манбага яқин тарзда ифодалаш, унификациялашга қаратилди. Биргина мақола ёки тезис доирасида ушбу катта муаммони ҳал қилиш қийин, албатта. Аммо бу каби ноаниқликни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам ушбу йўналишдаги ишларда оқсалишнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида ушбу кичкина тадқиқот илмий жамотчилик ҳукмига ҳавола қилинди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Третье издание. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 654 с.

¹⁴⁴ Раҳимжонов Д. Араб тилидан ўзлаштирилган сўзларни ўзбек тили ёзувида ифодалаш муаммолари // – Тошкент: “Ислом тафаккури” журналы № 1, 2024. – Б. 58-63.

2. Суперанская А.В. Теоретические основы практической транскрипции. – М., 1978.
3. Талабов Э. Араб тили дарслиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
4. Мирзаев И. Транскрипция // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/transkriptsiya-uz/>. Мурожаат санаси: 17.02.2024.
5. “Kirill yozuvida rus tili qoidalaridan chiqib ketolmaymiz” - lugʻatshunos olim bilan suhbat // <https://kun.uz/00788755>. Мурожаат санаси: 17.02.2024.
6. Transliteratsiya // <https://qomus.info/oz/encyclopedia/t/transliteratsiya/>. Мурожаат санаси: 17.02.2024.
7. Raxmonov, A. (2025). MUTARRIZIYNING “RISALATUN FIN-NAHV” ASARIDA TIL O‘QITISH USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 5(20), 126-130.
8. Рахмонов, А. К. (2025). АБУЛФАТХ БУРХОНИДДИН НОСИР МУТАРРИЗИЙ–ЎРТА АСР ШАРҚ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЁРҚИН НАМОЁНДАСИ. *Oriental Journal of Philology*, 5(3), 549-560.
9. MUTARRIZIYNING “RISOLATUN FIN NAHV” ASARI MO‘JAZ GRAMMATIK MANBA. (2025). *Barqaror Taraqqiyot Va Rivojlanish Tamoyillari*, 3(4), 85-88. <https://uzresearchers.com/index.php/BTRT/article/view/2528>
10. Жураева, М. А. (2013). Некоторые особенности склонения имен в грамматическом комментарии Абдурахмана Джами «Шарх мулла». *Вестник Челябинского государственного университета*, (23 (314)), 121-125.
11. Pardaev, U., & MANGIR, Ö. Ü. M. (2022). Türkiye Türkçesi İle Özbek Türkçesinde Onay ve Ret İfadeleri.
12. Султан Салим в романе Искандера Палы "Шах и Султан". (2025). *Зарубежная лингвистика и лингводидактика*, 3(10/S), 301-305. <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol3-iss10/S-pp301-305>